

Фарзанд тарбияси (21-дарс)



17:24 / 01.01.2018 5039

Дарс Аллоҳга ҳамду сано, Набий (с.а.в.)га саловату саломлар айтишдан бошланди. Ота: «Бир нарса демоқчисан, шекилли, эй Маҳмуд, гапиравер», деди.

Маҳмуд: «Ҳа, отажон! Сиз олдинги дарсда сўзлаб берган қиссадан жуда таъсирландим. Ҳайвонларга раҳм қилиш кераклиги ва ҳалиги киши ҳақида кўп ўйладим. У сув топа олмаганида Аллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлмади ва ҳаракату дуода бўлди», деди.

Ота деди: «Мўмин инсон Аллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлмаслигини билмасмидинг, эй Маҳмуд?! Дуо эса ҳар бир яхшилиқнинг калити ва ҳар бир фойдани жалб қилувчи эканини билмасмидинг? Дуо – бу биз Аллоҳга қурбат ҳосил қиладиган ибодатларнинг энг улуғларидандир.

Нўъмон ибн Башийрдан ривоят қилинади. Набийимиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар:

“Дуо ибодатдир”.

(Абу Довуд ривояти.)

Фотима: «Дуонинг қандай одоблари бор, отажон?» деди.

Ота деди: «Дуонинг одобларидан мана буларни билишингиз керак:

- 1) Дуо ижобат бўладиган вақтларга риоя қилиш. Кечанинг охири учдан бир қисми, жума куни азон ва иқоматнинг ораси, намоздан сўнг, Лайлатул қодр кечаси, арафа кунига ўхшаш вақтлар;
- 2) Дуода холислик ва тазарруъ ила туриш, дуони қайта-қайта айтиш, Аллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлмаслик;
- 3) Қиблага юзланиб, қўлларингизни кўтариб дуо қилиш ва “Дуо қилсам ҳам, ижобат бўлмаяпти”, демаслик;
- 4) Ўзимизга дуо қилганимизда биродарларимиз ҳаққига ҳам дуо қилиш, ўзимиз ва яқинларимиз зарарига дуо қилмаслик».

Маҳмуд: «Отажон! Биз ҳар куни ўқиб юришимиз керак бўлган бирор дуо ўргатиб қўйинг», деди.

Ота деди: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳар куни тонгда ва кеч кирганда бундай дейишлари ривоят қилинади:

«Аллоҳумма инний асълукал ъаафията фиддуња вал аахиरोҳ, Аллоҳумма инний асълука ъафва вал ъаафията фий дийний ва дуняя ва аҳлий ва малий. Аллоҳуммастур ъавротий ва аамин ровъаати. Аллоҳуммаҳфазний мин байни йадайя ва мин холфий ва ъан шимаали ва мин фавқий ва аъузу биъазоматика ан уғтаала мин таҳтий».

(Маъноси: «Аллоҳим! Сендан дунё ва охирада офият сўрайман. Аллоҳим, мен Сендан динимда, дунёимда, аҳлимда ва молимда афв ва офият сўрайман. Аллоҳим, айбларимни беркит, хавфу хатарларимни омонлик қил. Аллоҳим! Мени олдимун орқамдан, ўнгу сўлимдан, тепамдан асра ва азаматинг ила остимдан ер ютишидан паноҳ сўрайман».)

Маҳмуд киссасидан рангли, безалган қоғоз чиқарди ва: «Бу масжиддаги мусобақанинг сўровномаси, ундаги савол-жавобларни билмоқчи эдим», деди.

Ота: «Яхши, ўғлим...» деди.

Сўнгра ота сўровномани олиб, ўқиб, унга жавоб бера бошлади:

«Биринчи савол: Аллоҳ Одам алайҳиссаломни нимадан яратган?

Жавоб: Аллоҳ Одам алайҳиссаломни тупроқдан яратган.

Иккинчи савол: Аллоҳ фаришталарни нимадан яратган? Буни олдин ўрганган эдик, Маҳмуд, ёдингдами?»

Маҳмуд: «Ҳа, ёдимда. Аллоҳ фаришталарни нурдан яратган», деди.

«Учинчи савол: Аллоҳ шайтонни нимадан яратган?

Жавоб: Аллоҳ шайтонни оловдан яратган.

Тўртинчи савол: Осмонларнинг адади қанча?

Жавоб: Осмонларнинг адади еттита.

Бешинчи савол: Жаннатнинг эшиклари нечта?

Жавоб: Жаннатнинг эшиклари саккизта».

Сўнгра ота деди: «Қолган савол-жавобларни, Аллоҳ хоҳласа, келаси дарсга қолдирамиз. Ҳозир эса Аллоҳнинг гўзал исмларидан баъзиларини ёдлаймиз: **Насийр** (нусрат берувчи, қўлловчи Зот), **Ҳасийб** (ҳисоб-китобга тез, ҳисоби аниқ бўлган Зот).

Мана бугунги дарсимиз ҳам тугади».